

ГУЛЧЕХРА АСРОНОВА ХИКОЯЛАРИДА АЁЛ РУҲИЯТИ ТАҲЛИЛИ

Хурматой Шералиева

Фарғона вилояти Қува тумани 16- умумий
ўрта таълим мактаби она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Мақолада фарғоналик ижодкор Гулчеҳра Асронова ижодида аёл руҳиятининг бадий ифодаси, хикоялардаги тасвирнинг бадийлик нуқтаи назаридан ўзига хослиги, руҳий портрет ва ички монологнинг асар сюжети ҳамда композициясида тутган ўрни, унинг ғоявий-бадий вазифаси борасида илмий-назарий қарашлар ўз ифодасини топган.

Калит сўзлар: аёл руҳияти, руҳий портрет, ички монолог, бадий таъсир, сюжет, композиция.

“Агар жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир”, - дейди Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёев. Бу сўз инсониятнинг, шу жумладан, ўзбек халқининг ўнлаб асрлар силсиласида яратилган бебаҳо мулки бўлмиш бадий адабиётга қарата айтилганлигига ҳеч шак-шубҳа йўқ. Чунки ҳар бир халқнинг бадий адабиёти унинг маънавий-маърифий қарашлари тамойили ва тадрижини, миллий ўзига хослигини – менталитетини, бир халқ қарашларининг бошқа бир халққа таъсирини белгилаш учун ўзига хос бир мезон вазифасини ўтайди. Дунёдаги ҳар бир миллатнинг ўзига хос маънавий-маърифий қарашлари шаклланишида шубҳасиз, сўз ижодкорлари яратган бадий асарлар катта аҳамият касб этади.

Бадий асарда руҳий таҳлил шакллари турли-туман бўлгани каби унинг поэтик воситалари ҳам хилма-хилдир. Адабиётшунослар томонидан руҳий таҳлил поэтик воситаларининг ўндан ортиқ турлари қайд қилинган бўлиб, уларга портрет, диолог, монолог, туш, пейзаж, бадий детал, ҳиссий ҳаракатлар, (мимика ва пантомимика), нутқий характеристика, галлюцинация кабиларни киритиш мумкин.

Бадий асарда руҳият таҳлили Абдулла Қаҳҳор айтганидек, “ижодий талантга куч бағишлайдиган энг муҳим фазилатлардан бири”дир. У ҳақиқий сўз санъаткори учун маҳорат мезонидир. “Инсон руҳининг буюк рассоми” (Белинский) бўлиш ҳар қандай адибга ҳам насиб этавермайди. Фақат ўз ижодий

лабораториясига эга бўлган, “инсон қалбининг билимдони”(Г.Н.Чернишевский), шу қалбнинг энг қаъригача кира олган, ундаги эзгулик ва ёвузлик, ёруғлик ва зулмат, муҳаббат ва нафрат, қарама –қарши томонлар курашини нозик хис эта олган, уни бадий ифодалаш қудратига эга бўлган талантларгина бу улуг номга эга бўлади.

Гулчеҳра Асронова ҳикояларида ҳам анъанавий муаллиф баёни етакчилик қилса-да, персонаж руҳий ҳолати ва кайфияти асар мазмунини очиб беришга хизмат қилади. Унинг “Аёл”, “Қирқма қовун”, “Уйга қайтиш”, “Устун”, “Муҳаббат” ҳикоялари қаҳрамонларида аёл руҳиятини очиб бериш тенденциялари, инсоннинг маънавий олами, дунёқараши ва ҳаёт тарзини кўрсатиб бериш муҳим омил вазифасини ўтайди.

“Аёл” ҳикояси асосан муаллиф томонидан баён қилинса-да, қаҳрамон бугунги куннинг одами. Унинг фикрлаш доираси ҳам ўзгача. Мумтоз адабиётимиз ёки миллий менталитетимизга кўра аёл ҳар қандай вазиятда ҳам турмуш ўртоққа яхши муомала қилиш кераклиги уқтирилган бўлса-да, аёлнинг руҳиятидаги конфликтлар эрига яхши муомала қилишга қўймайди. Сабаби оиланинг бир неча йиллардан бери фарзандсизлик азоби қийнайди. Аёл ички монологига эътибор қаратадиган бўлсак, ҳаётининг мазмуни ва умрининг қувончи фақат фарзанд билан деб билади. Бошқа барча неъматлар бу қайғуни олдида ўз аҳамиятини йўқотади, ҳаттоки севимли инсонни ҳам.

“Тунов кунни бир кампирнинг юкини тўртинчи қаватга олиб чиқиб берганида ҳам узундан-узун дуо қилиб, қайта-қайта: «Болаларингнинг роҳатини кўр!», деб алқаган эди. «Менинг болаларим йўқ, демак роҳатим ҳам бўлмайди!» - шуурида жаранглаган бу мудҳиш садо неча кун азоб берганини ўзи билади”.

Ҳикояда баъзан шундай ички монологлар учрайдики, унинг бир қисми қаҳрамон нутқида, бир қисми эса муаллиф нутқида баён қилинади. Бу борада аёлнинг қуйидаги ички монологи диққатни тортади:

“Латофат кичкинтойнинг сочларини зимдан силагиси, эркалагиси келди. Меҳри жўшиб, сумкасидан ширинлик олиб узатди. «Йаҳмат», дея кўзларини пирпиратиб жилмайди бола. «Оҳ, қанийди шу гўдаккина меники бўлса!» деган худбинона ўйга борди ҳатто...

Монологнинг камдан-кам учрайдиган бу шакли китобхонга қаҳрамон қалбида кечаётган турли ўй-фикрлар, зиддиятларни янада таъсирчанроқетказиш имконини беради. Қаҳрамон кўнглидаги кечинмаларга муаллифнинг фикри синггиган ҳолда китобхонга етиб борали.

“Қирқма қовун” ҳикояси композициясидаёқ қаҳрамонлари Акбарали тоға ва Саодат аянинг портрети чизила бошлайди. Уларнинг нутқлари орқали персонаж

характер хусусиятлари очилади. Масалан: “Акбарали: - Ҳали келмабди-ку, -деди қовоғини уйиб. Шошилиб бало бормиди!

Билмасам, елка қисди Саодат, - ўн бирларда шаҳарда бўламан деганди-да. Кепқолар...”. Ушбу диологдан Акбарали образининг бироз тажанг, қайсарлиги, аёлига нисбатан қаттиққўллиги яққол намоён бўлади. Саодатнинг нутқидан эса турмуш ўртоғига нисбатан меҳр, итоат, қўрқув ва ялиниш оҳангини ҳис қилиш мумкин.

“Маълумки, қадим мумтоз адабиётимиз ва 20-асрнинг 70-80-йилларига қадар воқеликни асосан муаллиф томонидан баён қилиш анъанаси устун турарди. Кейинроқ бу анъана янгилашиб автор баёни организмга персонаж нуқтаи назари кириб кела бошлади.”

Муаллиф баёни билан бир қаторда персонаж нутқи бадиий асарнинг пофоси тўлақонли очилишига хизмат қилади.

“-Майли энди, бўғилмай туринг...

- Сенлар билан бўғилмай бўладими! Келинларни бошингга чиқарволдинг, мана энди кап-катта одамлар битта ёш боланинг гапига кириб дийдираб юрибмиз!” – бу тажанг чолнинг аччиқлантирган “ёш бола” аслида кенжа келини. Анча куттириб бўлса-да, бошқоронғи бўлади. Қишнинг ўртасида қирқма қовун ейман деб туриб олади. Акбаралининг “Ҳозирги замонда бозорда жондан бошқа ҳамма нарса бор” - деб гердайиб олиб келган қовунига қиё ҳам боқмайди. Кўнгли чўлнинг қовунини тусаганмиш!

Гулчеҳра Асронованинг ёзувчи сифатидаги маҳорати шундаки, у портрет санъатидан фойдаланса ҳам асар қаҳрамонларининг ташқи қиёфасига хос чизгиларни бирданига бермайди, балки бутун ҳикоя давомида ғоятда қисқа тасвирлар орқали аста-секинлик билан унинг ички оламини китобхонга етказиб беради.

Акбарали образини дастлаб тажанг, серзарда эркак сифатида таниётган бўлсак, ҳикоя давомида унинг ҳам танти ва мардлиги, олийжаноб фазилатлари борлигини кўрамиз.

- Салима холам яна шаҳардаги қизиникига кетибди, билдингизми.

- Кўринмай қолувди, пайқадим. Нима гап экан ўзи.

Глобаллашув жараёнлари даврида бировнинг ҳолидан хабар олиш, унинг ташвишига шерик бўлиш тушунчалари нақадар ноёб тушунчага айланиб бораётган бир даврда ҳикоя қаҳрамонлари кўшниси Салима холанинг ҳаёти ҳақида суҳбат куришади. Суҳбат сўнггида уни албатта кўриб келишга келишиб олишади.

“Устун” ҳикоясида бугунги куннинг долзарб мавзуларидан бири қаламга олинади. Аёл образи унинг характер-хусусияти ички монолог орқали очиб

берилади. Ҳикояда ҳорижга ишлаш учун кетиб, оиласини ва ўзлигини унутиб, бошқа бир аёлга уйланиб, ундан фарзанд ҳам кўрган бир эркакнинг қилмишлари ва аёлнинг руҳий изтироблари тасвирланади. Хўш, бу масалада ким айбдор? Эркакми ёки ўз юртида қайнона-қайнотасининг хизматини қилиб, дуоларини олиб, ҳомиладорлик вақтидаёқ ташлаб кетилган, фарзандини дунёга келтириб, то “дада” дейишни ўргангунича турмуш ўртоғини кутган аёлми?

Албатта, эркакни айблашга сабаблар талайгина. Лекин ёзувчининг маҳорати шундаки, масаланинг айрим нозик томонларини бир жумла орқали ўқувчига етказди. *“Кейинроқ, оиҳонада ёлғиз қолганида дераза олдида туриб зимдан кузатди: Сардор акаси янаям кўркамлашиб кетибди. Овсинининг гапига кириб янги кўйлагини кийса, пардоз қилиб олса бўларкан. Қайнотасидан уялди-да...”*

“Янги кўйлагини кийиб, пардоз қилиб олса...” мана шу жумлаларнинг ўзиёқ, Марямнинг нақадар содда, ўзига эътибор бермайдиган, тортинчоқ ва уқувсиз аёл эканлигини кўрсатади. Икки йилдан ортиқ кўришмаган тушмуш ўртоғини қаршисига пардозсиз ва ўзига қарамай чиқиш ҳар қандай аёл учун айб. Сабаби ўзбек халқимизда бир мақол бор: “Онгангни отангга бепардоз кўрсатма”. Ота-боболаримиздан қолган ушбу мақолда айни ҳақиқатлар айтиб ўтилган.

Бу ҳикоядаги ички монологда Марямнинг турмуш ўртоғига бўлган улкан меҳр-муҳаббати, ҳайрихоҳлиги ўз ифодасини топган. Ҳикоядаги ички диолог кўринишидаги монологлар қаҳрамоннинг ўзини таҳлил қилишда объективликни таъминлайди.

Г.Асронова ҳикояларида руҳий таҳлил санъатидан ўзига хос тарзда маҳорат билан фойдаланган. Уларда “асар мазмуни ва шаклининг тиниклиги, муаллиф ғоясининг бадиий воситалар орқали аниқ ва равшан ифода этилиши” яққол кўзга ташланиб туради.

Адиба тасвирда бадиий мукамалликка эришиш учун зарур тасвир воситаларидан жуда унумли фойдалана олган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ: (REFERENCES)

1. Мирзиёев Ш. Жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир/ Халқ сўзи. 2021 йил. 20-январь.
2. Гулчехра Асронова. Telegram. / t.me/gulchehra-asronova
3. Солижонов Й. Ҳақиқатнинг синчков кўзлари. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашр.Т.2009.
4. Иззат Султон. Адабиёт назарияси. Тошкент. “Ўқитувчи” нашр.1980.
5. Белинский В.Г. Танланган асарлар. Тошкент. Ўзбекистон давлат нашр. 1955.
6. Расулов А. Бадиийлик безавол – янгилик. Т.Шарқ.2007.
7. Surayyo Shermuhammedova. Scientific Journal Impact Factor. 2020.4.804